

«Катта Лангар Қуръони» ҳақида батафсил билмоқчимисиз?



17:51 / 07.06.2021 1867

VIII асрга оид Ислом оламидаги энг қадимги тарихга эга Мусхаф нусхаларидан бири бўлган «Катта Лангар Қуръони» саҳифалари 2019 йилнинг ноябрь ойидан 2021 йилнинг май ойига қадар Франциялик олимлар томонидан реставрация қилинди.

Катта Лангар Қуръони Қашқадарё вилояти Қамашу туманидаги «Лангар ота» масжидида узоқ вақт сақлангани боис шундай ном олган бўлиб, Ислом оламидаги энг қадим тарихга эга Мусхаф қўлёзмаларидан бири саналади.

Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси шаъфелигида мазкур қўлёзма саҳифаларини реставрация қилиш ишлари олиб борилди. Мазкур жараёнга Франциянинг Лувр музейи реставратор мутахассислари жалб қилинди.

«Катта Лангар Қуръонининг Ўзбекистон Мусулмонлар идорасида сақланаётган қисми 12та бирлаштирилган саҳифа ва битта алоҳида – жами 13та саҳифадан иборат. Саҳифалар XIX асрда муқоваланган. Қуръоннинг ўзи эса VIII асрда битилган деб ҳисобланади.

Саҳифалар пергаментдан тайёрланган. Бу маҳсулот бузоқ терисидан тайёрланган. Ёзувларни тушириш учун қаламдан фойдаланилган.

Стандарт сиёҳ (iron gall ink) қўлланилган. Ёзувлар устидан қўшимчалар киритилган. Сўзлар талаффузи аниқроқ бўлиши учун қизил сиёҳ билан белгилар қўйиб чиқилган.

Катта Лангар Қуръонининг Ўзбекистонга қандай келиб қолгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Илмий тадқиқотлар хулосасига асосан, қўлёзманинг битилиши VIII асрнинг охириги чорагида – араб грамматикаси қоидалари шаклланган даврга тўғри келади.

Тахминларга кўра, Катта Лангар Қуръонининг умумий ҳажми 206 саҳифани ташкил этган. Ҳозиргача уларнинг фақатгина 97таси сақланиб қолган. Қолган қисмининг тақдири номаълум.



Саҳифаларнинг 81таси Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади, бу ерга ўтган асрнинг 30-йиллари охирида келтирилган. Қўлёзма қандай қилиб Россияга бориб қолгани аниқ эмас.

Ўзбекистонда мавжуд 16та саҳифанинг биттаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари институтида, иккитаси Бухорода (Бухоро вилоят кутубхонаси ва Бухоро давлат музей қўриқхонасида) сақланмоқда.

Нодир қўлёзманинг 13та саҳифаси Ўзбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида муҳофаза қилинади.



Азизлар, ушбу нодир мусхаф ҳақида батафсилроқ маълумотга эга бўлмоқчимисиз. Унда 11 июнь, жума куни «Milliy» телеканалда соат 10:00, 16:00 ва 21:00да «Катта Лангар Қуръони»нинг янгиланган ҳолати ҳақидаги қисқа фильмни томоша қилишингиз мумкин.

<https://islom.uz/maqola/11352>

<https://islom.uz/maqola/10812>